

Тарбия бизни йўлдан оздирмай туришининг ўзи кифоя эмас, у тобора бизни яхшилаб бормоғи лозим.  
Мишель де МОНТЕНЬ



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* مَعْرِيفَاتُ

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 26 декабрь, чоршанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 102 (7401)

Ургут туманида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари ҳомийлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Яқинда мана шундай ҳамкорлик натижасида 10-мехрибонлик уйига янги "Зингер" тикув машинаси, "Саховат" уйига кўрпакчилик ва кийим-кечаклар туҳфа қилинди.

## САРҲИСОБДАН КЕЙИНГИ РЕЖАЛАР

Тошкент Давлат юридик институтиде ўтказилган илмий-амалий анжуман Конституцияни ўрганиш курсини жорий қилиш билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Барча таълим муассасаларига янги курс сифатида киритилган Конституциянинг моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган ўқув дастурлари ва улар асосида ишлаб чиқилган махсус ўқув қўлланмалари етарлими?

### Anjuman

Конституцияни ўқитиш бўйича бирмунча тажрибалар ҳам вуқудга келди. Эндликда уларни оммалаштириш лозим бўляпти. Анжуманда бу борада қилинган ишларга разм солинди.

Республика таълим Маркази томонидан мактабгача, умумий ўрта таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, ўқув курслари, методик кўрсатмалар, дидактик воситаларга қўйилмаган талаб ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Олий ўқув юрти талабаларида конституциявий билимларни шакллантиришга қаратилган ўқув дастури ва улар асосида "Конституцияни ўрганиш" махсус ўқув қўлланмалари мавжуд. Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан "Ислоҳ Кари-

мов Конституция тўғрисида" деб номланган рисола ҳам chop этилган.

Давлат ва жамият қурилиши академияси олимлари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи" фанига схемали ўқув қўлланма, "Конституциявий ҳуқуқ" изоҳли луғати, "Нурли келажак авлоди" суратли шеъррий тўплами ва шу билан бирга муаллифлар жамоаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ" номли адабиётлар дунё юзини кўрди.

"Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда Бадий Академиянинг Бош қонунни тасвирий воситалар орқали тарғиб этиш ва ўрганишга йўналтирилган кўрик-танлови ҳам диққатга сазовор бўлди.

Илмий-амалий анжуманда амалга оширилган ишларга сарҳисоб ясалди. Навбат - галдаги қилиниши керак бўлган ишларга. Қачонки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўз конституциясини мукамал даражада билар экан, орзу қилаётганимиз - ҳуқуқий-демократик давлатнинг қурилиши ҳам тезлашади.

Мухбиримиз



Озод ва обод юрт — Ўзбекистон яна бир катта байрамни нишонлаш тараддудида

## ФИКРЛАШУВЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

"Маърифат" газетаси — муаллиму мураббийлар минбари. Мазкур нашр саҳифаларида устозларнинг фикр ва истаклари, ўй-ташвишлари, тажриба ва изланишлари, шу билан бирга уларни йўланга қўйган муаммолар ҳам акс этади. Шуниси аниқки, газетанинг оммабоп, ўқишли бўлишида муштавийларнинг маслаҳатлари янада муҳим. Шу маънода газета муассисларининг қўшма буйруғи асосида жойларда ташкиллаштирилган "Маърифат" газетаси кунлари салкам бир ой давом этди. Бу мулоқотларда энг долзарб мавзулар, ўзига хос тақлифлар ўртага ташланди. Улар хусусида батафсил фикрлашиб олинди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ва "Маърифат" газетаси таҳририяти ҳамкорлигида 2001 йил 21 декабрда "Маърифат" газетасининг 10 йиллиги, турли номларда нашр этила бошланганига 70 йил тўлиши муносабати билан "Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда матбуотнинг ўрни" мавзусида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида давра суҳбати тарзида ташкил этилган йиғилиш ҳам ана шундай фикрлашувларнинг мантиқий давоми бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Ахлиддинов кириш сўзи билан очди. Сўнгра сўз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Саидахроёр Фуло-

мовга берилди. Вазири газетани ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида мамлакатимизда халқ маорифи, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларини такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим ва тарбиянинг янги педагогик технологияларини жорий этиш масалаларини кенг ёритиб беришга батафсил тўхтади. Бу борада фаол ишлаётган бир гуруҳ ходимларни вазирликнинг Фахрий Ёрликлари билан тақдирлади.

Саидахроёр Фуломоёв вазирликда "Маърифат" газетаси фаолиятини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш ва унга молиявий ёрдам қўрсатиш тўғрисида буйруқ имзолангани ва газетанинг 1 миллион сўм пул ажратилганини маълум қилди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Ахлиддинов "Маърифат" газетаси ёшлар оғи ва қалбига миллий истиклол ғояларини сингдиришда фаол иш олиб бораётганини қайд этди. Таҳририятда амалга оширилган ишларни рағбатлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан "Маърифат" газетасига энг сўнгги русумдаги "Pentium" компьютери ажратилганини айтди. Сўнгра у газетани масъулоти Фахриддин Қаримов, газетанинг ўз муҳбири Жаҳонгир Исмоиловга "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўркак нишони, илгор ходимлариға эса Халқ таълими вазирлиги Фахрий Ёрликларини топширди.

(Давоми 4-бетда)

### "Ma'rifat" gazetasi kunlari

### ЯНГИЛИК

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ФАЛСАФИЙ РОМАНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

"Шарҳ" нашрият-матбаа акциядорлик компанияси машхур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг кўп мунозараларга сабаб бўлган "Қасандра тамаси" романини "Оҳир замон нишонлари" номи билан босиб чиқарди. Романига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов сўз боши ёзган. Китобга ёзувчининг "Чингизхоннинг оқ булут" қиссаси ҳам киритилган.

Роман ва қиссани русчадан профессор Суяюн Қораёев таржима қилган.

Куни кеча Республика илмий педагогика кутубхонасида «Президент асарлари билимдон» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилди.

Кўрик-танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққан халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев барча қатнашувчиларга омад тилади ва Президент асарларини ўрганиш ҳар бир укучининг қалб амри бўлиши, ватаннинг эртаси учун яшаётган ҳар бир инсон мана шу юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиши кераклигини таъкидлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари, мактаб-интернатлари укучилари, мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарларини ўқиш, ўрганиш,

уларни ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий билимларини пухта эгаллашга йўналтириш, ёшларда давлат сиёсати ҳамда Президент асарларидаги ғояларни чуқурроқ англаш, Миллий истиклол ғоялари асосий тушуنча ва тамойилларини ёшлар қалби ва он-

дент асарларини ўрганиш жараёнида ватанпарварлик туйғусини ҳис қилиш, шахсий манфаатларини мамлакат манфаатлари билан уй-ғун холда қурайдиган эркин фуқаро, озод шахс бўлиб воқеа этиш учун ҳаракат қилишидир.

ларини бажаришди. «Мустақиллик менинг тасаввуримда» мавзусидаги иштироқи танловнинг учинчи шартда ўтказилди. Туртинчи шартда қатнашувчилар ижодий мавзуда қобилиятларини намоиш этишди.

ларини ҳакамлар ҳайъати аъзоларига, ён-атрофдагиларга ҳам мазмуни қилиб сузлаб берилди. Мустақиллик бизга улкан имкониятларни очиб берди. Биз ёшлар ана шу имкониятларни юзага чиқариш учун дастуриалмайл бўладиган асарларни, яъни Президент асарларини пухта ўрганишимиз зарур эканлигини давр-

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ

тига сингдиришга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эътибор қилиш ҳиссасини қўшишга тайёр турувчи студент, қомил инсонни тарбиялаш ва бошқалар кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари эди.

Танлов дастлаб мактаб босқичида, сўнгра туман ва шаҳар миқёсида, ундан кейин вилоят миқёсида ўтказилди. Ҳар бир иштирокчилдан талаб қилинган нарса Президенти

Биринчи босқични ўтказишга мактаб директорлари масъул бўлган бўлса, якунловчи босқичда нуфузли китоблардан тўзилган ҳакамлар ҳайъати укучиларнинг билим ва маҳоратларини баҳолаб боришиди.

Ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, Тошкент шаҳрида ғолибликни қўлга киритган укучилар иштирок этишди. Улар аввал озғани сариволларга жавоб беришган бўлса, сўнгра тест топшириқ-

Қизгин баҳс-мунозаралар ўтаётган бир пайтда биз Анджион вилояти Олтинқул туманидаги 24-иқтисослашган мактаб-интернатнинг 9-синф укучиси Хуршида Абдумажидова билан суҳбатлашдик.

—Бу кўрик-танловда қатнашаётганимдан беҳад хурсандман. Чунки ҳар кимга ҳам «Президент асарлари билимдон» бўлиш насиб этавермайди. Бунинг учун кунт билан ўқиш, юртбошимизнинг ҳар бир асарига қандай ғоя илгари сурилганлигини билиб олиш, ана шу билган нарса-

нинг ўзи қўрсатмоқда. Кўрик-танлов низомида Президентнинг ун туққиз номдиги асарини укўб-ўрганиш қўрсатилган. Мен ҳар бир асарни катта қизиқчи билан укўб чиқдим. Айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бусасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққият кафолатлари» китоби менда чуқур таассурот қолдирди. Унда қуриб қилинган масалалар бутун ҳам долзарб-лигини йўқотмаган.

Кўрик-танловда биринчи

### Tanlov

урин Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 2-сон куп тармоқли педагогик лицей-интернатнинг 10-синф укучиси Насиба Қудайбергеновага насиб қилди. Иккинчи ўринга бир йўлак икки иштирокчи Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг 9-синф укучиси Дилором Розикова, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий лицей 9-синф укучиси Хуршида Зухуровлар лойиқ қўрилди. Учинчи ўрин соҳиблари Анджион вилояти вакили Хуршида Абдумажидова, Навоий шаҳридаги 12-мактаб 10-синф укучиси Дилёра Амннова, Наманган вилояти Чуст туманидаги 9-мактабнинг 10-синф укучиси Ирода Турахоновалар бўлишиди.

Танлов якунида ғолиб ва иштирокчиларга Халқ таълими вазирлигининг Фахрий Ёрликлари ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шарифа МАДРАХИМОВА, «Ma'rifat»нинг махсус муҳбири

### ДУНЁ МОМОНИНГ ТИПАГИ

Яққабоб туманидаги Пурикатор тоғлар билан ўралган Тутақ қишлоғида ур асрини кўрган тараққури онахон Дунёмо Умарова яшаётган. Онахон 103 ёшга етган бўлсаларда ҳаёнат тетик, бардам.

— Беш қиз ва икки ўғилни оқ юзиб, оқ тараб вояга етказдим, — деди моёмо. — Худога шуқур, фарзандларим барчаси мўмин-қобил, оқил, элининг олди бўлиб яшамоқдалар. Юздан ошақ неваро, чевара, эвараларим бор.

— Президентимизга раҳмат — келётган йилни биз Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Очиғи, бу гапни эшитиб қувондим, илоҳим халқ отаси соғомон бўлсинлар. Бизнинг ёшимизга етиб юрсинлар. Дориломон кунлар келганига шуқур.

«Туркистон-пресс»

- Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов шу йилнинг 20 декабрида бўлиб ўтган Қашқадарь вилоятидаги Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорига биноан дам олиш куни 2001 йил 29 декабрь шанбадан 31 декабрь душанбага кўчирилди.

- Яқшанбадан бошлаб Афғонистонга жўнатилган бошланган Иордания ҳарбий қуроли кучлари Мозори Шарифда Иордан ҳарбий шифохонаси хавфсизлигини таъминлайди ҳамда инсонпарварлик ёрдами тарқатишга кўмаклашади.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси  
**2-бет**

Сиз конституцияни биласизми?  
**3-бет**

«Ma'rifat» маслаҳатхонаси  
**3-бет**

Тўлкини ўзгача, мавжи ўзгача  
**3-бет**

5000 МЕТР БАЛАНДЛИККА  
Англиялик Иэн Эшпоул 600 та хаво шари ёрдамида 5000 метр баландликка кўтарилди ва бу соҳада янги рекорд ўрнатди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бундан олдинги рекорд ҳам Эшпоулга тегишли бўлиб, 1996 йилда у хаво шарлари ёрдамида уч километр юксакликка парвоз қилганди.

ЯНА БИР ТОПИЛМА  
Мўғулистоннинг шимоли-шарқий қисмида қазилма ишларини олиб бораётган америкалик археологлар томонидан топилди. Экспедиция ўз қуроллари, олтин-жавоҳирлар билан бирга кўмилган олтимшдан зиёд саркарда қабрига дуч келди. Мўғул мутахассисларининг фикрича, Чингизхон жасади ҳам улар орасида бўлиши мумкин. Америкалик археологлар эса, ўз мулоҳазаларини билдиришга шошилмаяптилар.

КЕМА КОЛДИКЛАРИ ТОПИЛДИ  
Кариб денгизи тубидан топилган кема колдиклари панамалик мутахассислар фикрича, машхур сайёх Христопор Колумбга тегишли. Тарихий манбаларга кўра, Колумб Янги Дунёга қилган сафари чоғида тўртта кемадан талофатга учраган бирини қўқтиришга буйруқ берган. Топилмалар орасидан XVII асрга тегишли испан замбарағи ва бошқа асқалар чиканлиги кема колдиклари кимга тегишли эканлигини далиллайди.

МАРСДА СУВ ЗАҲИРАСИ БОРМИ?  
Марс сатҳининг харитасини тузиш, сайёрадаги сув захирасини ва радиациян нурлашлар даражасини аниқлаш мақсадида ушбу сайёра орбитасида ҳаракатланаётган АҚШнинг "Одиссей" сайёрапаро станцияси Марс сатҳида водород "чўкиндиси"ни топганини хабар қилди. Мутахассислар фикрича, бу топилма Марсда нечоғлик сув захираси мавжудлигини аниқлашда ёрдам беради.

Ўқитувчи ён дафтарида



### JUMLADA

### JAHON

- Афғонистон Муваққат маъмуриятининг тақлифига биноан, ташқи ишлар вазири А.Комиллов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси шу йил 22 декабрь куни Қобулда Президент Б.Раббонийнинг мамлакат муваққат маъмурияти раҳбари Х.Карзайга ҳукуват ваколатларини топшириш маросимида иштирок этди.

- Филиппинга келгуси ойда келиши мўлжалланаётган АҚШнинг ҳарбий вертолётлари ушбу мамлакатдаги "Абу Сайяр" террорчи гуруҳига қарши сафарбар қилинади.

Лойиҳа

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ЯРАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

«Хаммамизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбуримиз; даярли барча соҳада дарсликларимиз аҳоли бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас... «Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан ҳалос бўлмасдан болаларимизни янгиға фикрлашға ўргатолмаймиз, ахир».

(И.А.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқидан)

I. Кириш

Мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи (1997-2001 йиллар) якунлаиб, иккинчи босқичи (2001-2005 йиллар)ға ўтилди. Утган вақт мобайнида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим турлари учун янги давлат таълим стандартлари шўлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Миллий истиқлол гоёсига содик, етарли интеллектуал салоҳиятга эға, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб қилмоқда.

Илм-фан жадал тараққий этаётган замонавий жамиятда ривожланган ахборот-коммуникация тизимлари воситасида турли фан соҳаларида эришилган ютуқларнинг тез янгилаиб бориши таълим олувчилар олдиға янги билмларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам равишда мустақил билим излаш вази фасини қўймоқда.

Хозирда, узлуксиз таълим тизимида барча мавжуд фанлар буйича ёппасига дарсликлар тайёрлаш усулидан воз кечиб, уларни асосан фундаментал фанлар буйича яратиш мақсадига мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида мамлакат миқёсида дарсликларнинг рақибона ҳажми ва ададлари белгиланган, шунингдек, ўқув адабиётлариға сарфланган маърузаларнинг моддий ва молиявий харажатлари тежашға имкон беради.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, авваломбор, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадлариға эриштишни таъминлашға қаратилган чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

лат талаблари) асосида ва уларда ўқитиладиган фанлар мажмуасига мос равишдаги ўқув дастурларининг узвийлигини ҳисобға олган ҳолда тайёрланади.

Таълим тизимининг барча турлари учун ўқув адабиётлари аънаваний босма китоб шаклидан ташқари электрон версия шаклида ҳам тайёрланиши мумкин. Таълим тизимининг умумий ўрта таълимдан юқори турларида ўқитиладиган фундаментал фанлар учун аънаваний босма дарсликлар, улардан ташқари тез ўзгарувчан амалий фанлардан кам ададли дарсликлар фақат электрон версия шаклида тайёрланиши мумкин.

Муттасил равишда мазмуни ўзгарувчан фанлар буйича одатда ўқув қўлланмалар, маърузалар курси, маърузалар матни, турли маълумот-номаляр, лугатлар ва маълумотлар банки, шу жумладан дайжест, шарҳлар тайёрланади. Ушбу турдаги ўқув адабиётлари асосан электрон версия шаклида ҳамда қоғозда босилган кам ададли матнлар тарзида яратилади.

Ўқув адабиётларининг мазмуни ўқувчи ва талабаларда, авваломбор, мустақил ва эркин фикрлаш, мустақил таълим олиш учун зарур билмларни турли адабиётлардан излаб топиш ва билмларни заҳирасини босқичма-босқич мукамаллаштириб бориш қўнқималарини ҳосил қилишға қаратилади.

V. Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари

5.1. Ўқув адабиётларининг шакллари

Аънаваний (босма) ўқув адабиётлар — таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтилари, коғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобға олган ҳолда қоғозда босиладиган ўқув адабиётлар.

Электрон ўқув адабиётлар — замонавий ахборот ва компьютер технологияларининг маълумотларни жамлаш,

тасвирлаш, саклаш ва тақдим этиш имкониятлари асосида яратиладиган ўқув адабиётлар.

5.2. Ўқув адабиётларининг турлари

Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, лугат, изоҳли лугат, маълумотлар тўплами, маърузалар курси, маърузалар матни, методик кўрсатмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

Дарслик — давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол гоёлари сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзуслари тўлиқ ёритилган, тегишли фанининг асосларини мукамал ўзлаштирилишиға қаратилган давлат наشري.

Ўқув қўлланма — дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури буйича тўзилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишға ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган давлат наширидир.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгрок ёритилади. Масалан, «Механика» - физика фанининг механика қисмиға бағишланган ўқув қўлланма. «Физикдан масалалар тўплами» - физика фани буйича масала ва машқлар ечишиға мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Лугат — аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси хақида маълумот берувчи ёки сўзининг тушунаси, у билан белгиланувчи предметлар хақида ахборот берувчи давлат наширидир.

Изоҳли лугат — сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзининг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашға оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган давлат наشري.

Маълумотлар тўплами — фойдаланишға қулай шаклда яратилган, муайян фани ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сўбий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳа-

лардаги қисқа маълумотлардан ташқил топган давлат наширидир.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Маърузалар курси — фанининг ўқув дастури буйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билмларни олишға қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишға оид саволлар туркуми, мавзуға тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган кичик ададли давлат наширидир.

Маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

Маърузалар матни — муайян фанининг ўқув дастури буйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи янги билмларни олишға қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишға оид саволлар туркуми, мавзуға тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадиқот, изланишлар асосида янгилаиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси буйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик (услубий) кўрсатма — муайян фанининг ўқув дастури буйича курс ишлари (лойихалари), лаборатория ва амалий ишлари бажариш тартиби аниқ ва ба-тафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан буйича талабаларда зарур амалий қўнқималар ҳосил қилишға мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида наشر этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик қўлланма — ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарсин мақсади, дарс ўтиш воқеаси ва улардан фойдаланиш усуллари, дарсининг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар хақида тавсиялар баён қилинади.

Шарҳ — жамият тараққий эти учин муҳим аҳамият касб этадиган меъерий-хуқуқий хужжатларни, шунингдек, баҳсға лойиқ асарларни, гоёларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммаға мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган давлат наشري.

Дайжест — даврий адабиётлар (қонунлар, қарорлар) мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий давлат наشري.

Электрон ўқув адабиётлар — компьютер технологиясиға асосланган ўқув услубини қўллашға, мустақил таълим олишға ҳамда фанға оид ўқув материаллар, илмий маъ-

лумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишиға мўлжалланган бўлиб: — ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда; — ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

— «мультимедиа» (multi-media - кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график қўнқималар, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;

— тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламға кириши ва ундаги объектларға нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки — ахборотлашган-компьютер технологияларининг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тўзилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, қатта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли қўнқималар (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, муҳим аҳамиятға эға бўлган ҳамда ўқув жараёнида ўз-ўзида мустақил ишлаш ва ўз билимининг назорат қилиш учун доимий равишда тўдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишға мўлжалланган давлат рўйхатидадан ўтган маълумотлар тўплами.

VI. Ўқув адабиётлариға қўйиладиган талаблар

6.1. Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва наشر шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қуйидаги умумий талабларға жаавоб бериши керак: — давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши; — таълим-тарбия жараёниға ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини тадиқ қилишда кўмак бериши;

— тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;

— инсонпарварлик гоёларининг акс этирилиши, инсоннинг табият ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлигини аниқлашға қаратилиши;

— ватанпарварлик ва миллий гурур ҳиссини шакллантириш, мустақил ва ижодий фикрлашға йўналтирилиши;

— маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;

— билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил

фикрлашға даъват эта оладиган хусусиятларға эға бўлиши; — билим олувчиларда мустақил таълим ва ижодға интилишни уйғотиши;

— юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билмларға асосланган маълумотлар (қонунлар, айналар, таснифлар ва ҳоказо) дан ташқил топиши;

— иллюстрацияларға бой, кўргазмали тасвир ва бадий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятға қаратилган бўлиши; — билим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини ҳисобға олиши;

— билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёркин ифодаланиши;

— ўқувчиларнинг билими, ўқувчи ва қўнқималарини назорат қилиш имкониятиға эға бўлиши;

— таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, умуми меҳнат билан узвий боғлиқлишиға эътибор бериши;

— фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодаланиши, илмий масалаларнинг манткий кетма-кетликда, фанининг ўқув дастуриға мувофиқ баён этилиши;

— яқинликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар манткий бир тизимда берилиши;

— матн жозибали шаклда баён этилиши. Асосий тушунача ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши;

— ўқув адабиёти муаллифларининг таркиби танлов асосида ташқил топиши ва унга шартли равишда олим, услубчи ва амалиётчи педагоглар тоифасидаги мутахассислар кириши мақсадиға мувофиқдир.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётлариға ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

6.2. Мактабғача таълим

Мактабғача ёшдаги болалар таълим-тарбияси учун мўлжалланган ўқув адабиётлар қуйидаги талаблар асосида яратилади: — мактабғача таълимнинг давлат талаблариға жаавоб бериши;

— миллий ва умумбаشارий кадрятлар ҳамда аънавалар, ўзбеконга одоб-ахлоқ ва меҳр-қўнқималарини болалар онгидан синдирилишиға эътибор қаратилиши;

— болаларнинг соғлом ва жисмонан бақувват тарбияланишиға хизмат қилиши; — болалар нутқи, уларнинг билмларига қизиқиши ва интилишини ривожлантиришға қаратилиши;

— тасвирий санъатдан илк тушуналар ҳосил қилиш ва шу соҳада тегишли амалий машғулотлар ўтказишға қаратилиши;

— маданий-эстетик тарбия, бадий меҳнат, мустиқий саводхонлик ва оммавий фаолият билан боғлиқ машғулотлар ўтказишға мўлжалланган бўлиши;

— бола тафаққурини ривожлантирувчи ва мустақил фикрлаш малакаларини шакллантирувчи ахборотларға бой бўлиши, маърузаларнинг оид янги педагогик технологиялардан фойдаланилиши ҳамда мактабдаги таълимға тайёргарликни таъминлаши;

— шахсий гигиена ва экологик таълим-тарбия буйича бола ёшиға мос равишда зарур тушунача ва билмларни бериш вази фасини ўташлиги ва бошқалар.

6.3. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълимда ўқув адабиётлариға қўйиладиган талаблар: — ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик ривожланиш хусусиятлари ҳисобға олиниши, санитария-гигиеник талабларға жаавоб бериши;

— фанининг ўқув дастуридаги мавзулар тўла ёритилиши; — фанларнинг боғлиқлигининг таъминланиши, билмларни баён этишға муаммоли ёндашиш усулини қўллаш;

— мавзуларнинг оддий ва содда тилда, тушунарли ва раvon баён этилиши ҳамда ўқувчиларда билим олишға интилиш ҳисси, мустақил фикрлаш малакаларининг шаклланишиға хизмат қилиши;

— ўқув адабиёти дизайни тегишли ўқув фани мазмуниға мунаносиблигининг таъминланиши;

— муайян фан буйича 1-9-синфларда бериладиган билмлар ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим тури орасидаги узвийликнинг таъминланиши;

— ўқув адабиётнинг ҳажми (босма табоқ) муайян фан дастури ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши.

6.4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида ўқув адабиётлариға қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади: — касбға қизиқишни кучайтириш, уни мустаҳкам эгаллаш ва замонавий билмлар асосида рақобатбардош мутахассислар чиқишини таъминлаши;

— мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишға қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;

— қайси фанға тегишлилигиндан қатъий назар назарий билмлар амалиёт билан кенг боғлиқлигини таъминланиши;

— ўқувчида яқинликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар манткий бир тизимда берилиши; — муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларида илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўргазмали маълумотлар — қурилма, ап-

паратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишиға эътибор қаратилиши.

6.5. Олий таълим

Олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларға тегишли ўқув адабиётларининг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат-микдор кўрсаткичларда бўлишлиги тақозо этилади. Хусусан: — ўқув адабиётларидаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий гоё ва тушунарлар моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;

— матни хотирада саклашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;

— аниқ ва табиий фанлар буйича илмий тушунача ва гоёлар, қонун ва қонунчалар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳақиқийлиги; — таҳлиллий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

— муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг манткий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши; — мавзуларнинг бир-бириға манткиян боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши.

VII. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш босқичлари

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш ва амалиётға жорий этиш уч босқичда амалға оширилади:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи (2001-2002 йиллар):

— ўқув адабиётларининг илмий-услубий, ташкилий, молиявий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда барча ўқув фанлари буйича уларни яратиш;

— таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишға мўлжалланган ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш марказларини ташқил этиш;

— қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимлари, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнида электрон ўқув адабиётларини тадиқ этиш ва қўллаш борасида тадиқотларни ўтказиш.

2. Тажриба-синов босқичи (2003-2005 йиллар):

— тегишли таълим турларида электрон адабиётлардан фойдаланишға киришини ва ўқитиш технологияларини синовлардан ўтказиш;

— таълим муассасаларининг техник инфратузилмасини тақомиллаштириш ва компьютер дастурлари буйича моддий-техник таъминотни талаб даражасига чиқариш.

3. Ўқув жараёнида кенг фойдаланиш босқичи (2006 йилдан):

— ўқув адабиётларининг янги авлодини кенг ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларини таъминлаш; — электрон ўқув адабиётларини тегишли таълим турлари ўқув жараёнида ялли қўллаш;

— таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларининг кутубхонасини ташқил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси

Маъруз концепция лойиҳаси Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими тизимларидаги барча малака ошириш институтларида уюштирилган махсус семинарларда муҳокама қилиниб, унинг натижалари қуйидаги манзилға юборилиши лозим. Бундан ташқари барча таълим жонқуярлари, олимлар ҳам ўзларининг тақлим мулоҳазаларини бир ой муддат ичида билдиришларини сўраймиз. Манзил: 700011, Тошкент ш. Пахтакор кўчаси, 3 уй, ОУММИИ.

II. Мақсад ва вазибалар

Концепциянинг мақсади узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир.


Ушбу Концепциянинг асосий вазибалариға ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш учун илмий-гоёвий, услубий-дидактик, психологик-педагогик, санитария-гигиеник талабларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан турли ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш буйича дастурларни амалға ошириш учун стратегик масалалар қўламини аниқлаш қиради.

IV. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари


Қадрлар тайёрлаш миллий моделиға мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари буйича тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки дав-

III. Узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш механизми


3.1. Қадрлар тайёрлаш миллий модели




3.2. Узлуксиз таълим тизимининг асосий меъерий-хуқуқий хужжатлари



3.3. Узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган фанлар мажмуаси



3.4. Ўқитиладиган фанлар мажмуасига мос ўқув адабиётларининг турлари



# Сиз Конституцияни биласизми?

### Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, "Маърифат" газетаси тахририяти танлови

41. Ушбу конституциявий қоидада тушириб қолдирилган сўзларни аниқланг: "Мулкдор мулккага ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни..."  
 А) тасарруф этади.  
 В) давлат томонидан белгиланган тартибда қўлайтиради.  
 С) жамият манфаатлари йўлида ишлатади.  
 Д) хусусийлаштирилади.  
 Е) сотади.
42. "Мулкдор фақат... мулкдан махрум этилиши мумкин". Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мувофиқ, тушириб қолдирилган сўзларни аниқланг.  
 А) давлат органлари хоҳиши бўйича.  
 В) маҳалла аҳолиси йигинининг хоҳиши бўйича.  
 С) қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина.  
 Д) А,С.
43. Олий Мажлис қандай орган?  
 А) ҳокимиятнинг олий ижро этувчи органи.  
 В) олий давлат вакиллик органи.  
 С) ҳокимиятнинг олий сиёсий органи.

44. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимига номзодларни ким такдим этади?  
 А) Ўзбекистон Республикаси Президенти.  
 В) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.  
 С) Олий Мажлис Кенгаши.  
 Д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.  
 Е) Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгаши.
45. Давлат муқофотлари ва унвонларини таъсис этиш кимнинг ваколатига қиради?  
 А) Вазирлар Маҳкамасининг.  
 В) Ўзбекистон Республикаси Президентининг.  
 С) Олий Мажлисининг.  
 Д) Ижтимоий таъминот вазирлигининг.  
 Е) Адлия вазирлигининг.
46. Қуйидаги конституциявий қоидада тушириб қолдирилган сўзларни кўрсатинг.

47. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши... томонидан қақрилади?  
 А) Марказий сайлов комиссияси.  
 В) Марказий сайлов комиссияси кенгаши.  
 С) Ўзбекистон Президентининг.  
 Д) охириги қақриқ Олий Мажлисининг Раиси.  
 Е) охириги қақриқ Олий Мажлис Кенгаши.
48. Республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳам-жихат ишлашини таъминлаш кимнинг ваколати ҳисобланади?  
 А) Президентнинг.  
 В) Олий Мажлис Раисининг.  
 С) Олий Мажлис Кенгашининг.  
 Д) Бош вазирнинг.  
 Е) Вазирлар Маҳкамасининг.
49. Қайси ҳолларда Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида фақуллодда ҳолат жорий этилиши мумкин?  
 А) оммавий тартибсизликлар бўлса.  
 В) йирик ҳалокат содир бўлса.  
 С) табиий офатлар содир бўлса.  
 Д) эпидемиялар юз берганда.  
 Е) А,В,С,Д.
50. Республика Қуролли куचларнинг олий қўмондонларини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш кимнинг ваколати ҳисобланади?  
 А) Олий Мажлисининг.  
 В) Олий Мажлис Кенгашининг.  
 С) Ўзбекистон Республикаси Президентининг.  
 Д) Вазирлар Маҳкамасининг.  
 Е) Президент хузуридаги Хавфсизлик кенгашининг.

51. Ушбу конституциявий қоидада тушириб қолдирилган сўзларни аниқланг: "Мулкдор мулккага ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни..."  
 А) тасарруф этади.  
 В) давлат томонидан белгиланган тартибда қўлайтиради.  
 С) жамият манфаатлари йўлида ишлатади.  
 Д) хусусийлаштирилади.  
 Е) сотади.
52. "Мулкдор фақат... мулкдан махрум этилиши мумкин". Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мувофиқ, тушириб қолдирилган сўзларни аниқланг.  
 А) давлат органлари хоҳиши бўйича.  
 В) маҳалла аҳолиси йигинининг хоҳиши бўйича.  
 С) қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина.  
 Д) А,С.
53. Олий Мажлис қандай орган?  
 А) ҳокимиятнинг олий ижро этувчи органи.  
 В) олий давлат вакиллик органи.  
 С) ҳокимиятнинг олий сиёсий органи.

**Tanlov**

Ўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш, қоғоз технологияси ва дизайн кафедрасининг Тошкент ўқимачилик ва энгил санат институтига туган ўрни катта. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Карим Эргашев бир неча йилдирки, ушбу кафедрани мудирлик қилиб келмоқда.

Кафедранинг 2001 йилдаги фаолияти ҳам самарали бўлди. Олим раҳбарлигида кўпгина илмий янгиликлар юзага келди.

Изданувчан олимларнинг тадқиқотлари махсус халқро грант билан тақдирланди. Европа ИТМ-Фокси комиссияси "ТАСИС-ТЕМП-ПУС" дастурига амалга оширилган.

Кафедрада учта дарслик ва ўқув кўлланмаси ёзилди. Бакалавр ва магистрлар учун 9 фандан маъруза матнари тайёрланди. Буларда ҳам профессор К.Эргашев фаоллик кўрсатди.

Кафедра мудирини савб-харақати билан "Бухоролик" хиссадорлик қорониси билан қўрғинлар кийими матосини пардозлаш модели бўйича шартнома тўғрисида.

Шу ва шунга ўхшаш бошқа ютуқлари учун профессор К.Эргашев олий ўқув юртида "Энг яхши кафедра мудирини" танлови қолиби бўлди.

**Ақбар АЛИЕВ**



Поёнига етаётган 2001 йил ўзининг кўп қирраллиги ва сермазмунлиги билан ўтмишга кузатилмоқда. Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида Президентимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, дея эълон қилганлиги республикамиздаги мўътабар отахонлар, онахонлар учун қўнғиланган бахт, эътибор бўлди. Маълумки, ёш авлод тарбиясида қарияларимиз муҳим ўрин тутадилар.

Зеро, болажонларимиз шундай мўътабар йилда улуг аждодларимизнинг ўтмиши, тарихи, шарқона урф-одатлари ва қадриятларини янада чуқурроқ ўрганадилар, улардан ўрнак олиб, кўҳна Турон элининг ҳақиқий ворислари сифатида унинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қиладилар. Ана шундай зафарларга тўла янги йилнинг дастлабки ҳафталирида ўқувчилар учун қишки таътил кунлари бошланади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, ота-оналар ўқувчиларнинг дам олишлари, янги йил байрамини кўнғилдагидек ўтказишлари ҳаракат қиладилар. Қуйида ўқувчиларнинг қишки таътилни қизиқарли ва сермазмун ўтказишлари учун таълим муассасаларида ташкил этиладиган тадбирларни тавсия этамиш.

1. Янги йил, қиш мавсуми тасвирланган расм ва деворий газеталар танлови ташкил этиш.
2. "Эртак кетидан эртак" сахналаштирилган эртаклар танлови (ўтмишдаги ота-боболаримиз сўзлаган эртаклар асосида).
3. Янги йил қўшиқлари ва шеърлари асосида "Янги йилни қўлайимиз" мавзусида танлов.
4. Мактаб ўқувчилари билан «Салом арча» эрталгини ўтказиш.
5. Унда юқорида кўрсатилган танловларда юқори қўрсаткичга эришган ўқувчиларнинг ишлари, саҳна кўринишлари, шеър ва қўшиқлардан фойдаланиш мумкин.
6. Юқори синф ўқувчилари билан янги йил базмини ўтказиш.
7. 5-, 6-, 7-синф ўқувчилари ўртасида «Қувнок стартлар» мусобақасини ўтказиш.

Мазкур тадбирларни имкониятга қараб кенгайтириш ва мослаштириш мумкин.

РТМ Маънавий-маърифий ишлар бўлими

Тадбир ўтказиладиган жой байрамга мослаб чиройли безатилади. Қиш, Қорбобо, Қорқиз, арча ўйинчоқлари ҳамда қувнок ҳайвончалар тасвирланган деворий газетани ва қиш йили оид табриклар ёзилган плакатлар билан жиҳозланади. Саҳна ўртасида "ўрмон маликаси" турли ўйинчоқлар билан яратилади. Байрам қатнашчилари эртак қаҳрамонларининг либосларида бўлсалар, янада мақсадга мувофиқ.

**1 бошловчи:** Ассалому алайкум, азиз устозлар ва меҳмонлар!

**2 бошловчи:** Ассалому алайкум, қадрдон опа-укалар, тенгдошлар ва жажжи укажонлар!

**3 бошловчи:** Катта ҳаяжон ва орзу-умидлар билан кутаётган янги йилнинг келиши қувнок санокли вақтлар қолмоқда.


**4 бошловчи:** Қалбимиз пок ва ёруғ ниятлар билан тўлиб турган мана шу қайиш, шукўхли дамларда барчани янги йил билан самимий қўлайимиз.

**5 бошловчи:** Саволларга тўғри ва тез жавоб берганлар Қорбобонинг махсус совғасини олишга сазовор бўлади.

4 нафар ўқувчи мазкур ўйинда иштирок этиши мумкин. Шартини тез ва тўғри бажарган 3 ўқувчи қолиб ҳисобланади.

**Ташкилий соволлар:**

1. Муҳалда кўрсатилган 12 та ҳайвоннинг номларини санаб бериш (сичқон, ситир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит, тўнғиз).
2. 12 та ой ва бурж номларини санаг.
3. Хамал - қўй, 2. савр - ситир, 3. жазво - эгизаклар, 4. саратон - қўсқичбақа, 5. асад - арслон, 6. сунбула - бошқоқ, 7. мезон - тарозу, 8. араб - чаён, 9. қавс - ўқ-ёй, 10. жадий - тоғ эчкиси, 11. далв - қовға, 12. ҳут - балиқ).
3. Амалдаги Григорьян календари билан қуёш-ой календари ўртасидаги фарқ неча кунни ташкил қилади?



Пойтахт вилоятининг Ангрэн шаҳридаги 13-мактабда жомаси бошлангич синф ўқитувчиси Бибиниси Мадооровани ҳурмат билан тилга олишди. Гап шундаки, унинг ўғил-қизларни мустақил фикрлаш борасидаги дарс ўтиш усуллари кўпчиликка манзур бўлаётир. Суратда: Б.Мадоорова дарс пайтида.

## ОЛИМПИАДА САРАЛАРНИ САРАЛАЙДИ

Шу кунларда фан олимпиадаларининг 2-босқичи яқунда 3-босқичга тайёрларик қўрилмоқда. Олимпиада ҳаққоний ва оқил ўтказилиши учун бу йил туман олимпиадаларига тест топшириқлари малака ошириш институтлари томонидан тайёрлаб берилди. Барча фан олимпиадалари 2 турда ўтказилди.

ШПҚТМО институтини она тили ва адабиёти услубчиси Феруза Муҳамедова билан суҳбатлашдик. У 7-8 январда ўтказиладиган шаҳар олимпиадасига Халқ таълими вазирлиги томонидан дискет тайёрлаб, топширилишини айтиди:

—Туман олимпиадасига қўрилган ёзма ишларида ижодкорлик, мустақил фикрлаш ақол кўриниб турибди. Утган йилги олимпиада иштирокчиларининг деярли барчаси олий ўқув юртини талабалари бўлишди. Ижодий иш ёзиш орқали улар қалами чарқланди. Бу йилги иштирокчилардан ҳам умидимиз катта. Олимпиада сараларини саралайди.

ТДШИ қошидаги С.Рахимов академик лицейининг 3-“Д” гуруҳи талабаси Нодир Нуриддиннинг ижодий ишида унинг юрт тинчлигига бўлган ишончи ва Ватан хонларига бўлган нафратини ифода қилган ишлари бизни ҳайратлантди.

Ижодий ишлар орасида Чилонзор туманидаги 178-мактабнинг 9-“А” синф ўқувчиси Раъноҳон Хасанованинг фикрлари эътиборимизни тортди.

— Беғубор болаликни эсга солувчи, бешиқданок жону қуллоққа синган аланинг давомчиси бўлиш эртаклар — болалигимиз ҳамроҳи. Эртаклар оламини ҳар бир бола ўзи қуради. Бу олам фақат уники. Хатто бугунги кун ташвишдан боши ортмайдиган ёш қарилар ҳам эртак шайдоладилар. Улар бўлган кун ташвишини бир дам орта қолдириш ниятида эртаклар оламига савҳат қилдилар. Эртак деб аталмиш олам гудакни ҳам, ёш укажани ҳам кенг бағрида эрқалата олади. Унинг бағри ўзбекининг қалби каби кенг.

А.Навоий номидаги республика нафис санъат мактабининг 10-“Б” синф ўқувчиси Севара Аҳмедова “Бугун эрта туриб тонгни кўрдим” номида ижодий ишида ўзининг бадиий мушоҳада кунига, малакасига эга эканлигини кўрсата олган.

—Эрта тонгда уйионган қиз дарвоза ортида одамзотга сажда қилиш учун келган ва наваб қулб турган фаришталарни илж қаршилайди. Субҳидамда табиат унга ёрдамчи қилиб яратган супургисини қўлга олади. Супурги ҳам унинг савобли ишларига ихлос тўла нигоҳлари билан боқади, итоткорона бир ҳолатда эгасига кўмаклашади. Қиз ўз ишини тугатиб, супургини “бевафоларча” ташлаб кетаркан, бу жодгарнинг найрангидан сеҳрланган супурги гам-андўх тўла қўзларини “бевафо” йўлига тикиб қолади. Бу оғир аҳволдан уни қутқариш учун нажот фариштаси — хоҳандоз қўвғисига дамоён бўлади.

Мен тонгнинг шунчалар беғуборлигини кўриб, уни юртининг эгасига, порлоқ келажигига қўйиб қўлайимиз. Чўлпон, Авлоний каби милолатининг ас фарзандлари мунаввар тонгнинг ҳурлик шабадаси эшигини ҳис қила олмай кетишди. Мустақиллигини бу мунававр тонгига биз эришдик. Энди бу тонгнинг абадий бўлиши бизга боғлиқдир.

Олимпиада иштирокчиларининг бу ижодий ишларини ўқир эканмиз, уларнинг теран фикри Ватанга, миллий қадриятларимизга, мустақилликка меҳрдон қувондиқ. Юртимизнинг шундай фарзандларидан бор экан, келажигимиз янада нурафшон бўлаверди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

## Xorijda ta'lim

**БУЮК БРИТАНИЯ**

Шимолий Лондон университети Англиядаги йирик илмий марказдир. Унда 17 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади.

Университетга асосан, 21 ёшдан қўйиша қиришади. Қабул мукамал технологияга асосланган. Булажак талаба умумтаълим мактабининг кейинги уч йилида олий ўқув юртига киришга тайёрларик қуради ва фақат уз қишқикига мос фанларининг урганди. Масалан, уч ёки бешта.

Мактабни тамомлашдан олдин абитуриент бир йўла 6 та университетга ариза беради. Олий ўқув юртини бўлажак талабага қабул шартларини юбордилар. Абитуриент эса бир йил давомида зарур балларни тўплайди ва натижа қайси университет талабига мос келса, уша даргоҳга қабул қилинади. Уқиш пуллик-тулов шаклида. Талабага стипендия туланмайди. Уқиш, ётоқ, коммунал хизмат харажатлари жуда юқорилиги сабабли талабаларга имтиёзли қарзлар бериш жорий қилинган.

Шимолий Лондон университетида 8 та чет тили ўргатилади. Бундай имкониятдан камида 2400 нафар талаба баҳраманд бўлиши мумкин.

Талабаларга билим, кунлик ва малакаларни ўргатиш дастури бир неча модуларни ўз ичига олади. У билимни назорат қилиш ва баҳолашнинг қатъий тартибига риоя қилиш

га мажбур. Эгалланган билимлар аввал ўз ўқитувчиси, кейин бошқа мураббийлар томонидан текшириб қурилади. Натижалар университетдан ташқаридаги имтиҳон комиссиясига юборилади.

Буюк Британиянинг бошқа олий ўқув юртидаги таълим ҳам Шимолий Лондон университетидаги сингари ташкил этилган.

**ФИНЛЯНДИЯ**

Оули шаҳри Финляндиянинг шимолий-гарбий қисмида жойлашган бўлиб, ўз университетига эга. У узининг илмий ахборотлари, янги технологияси билан бутун Шимолий Финляндияни таъминлайди.

Йўналишлари: таълим, медицина, гуманитар, илм, технология ва икти-сод. Ишловчи педагоглар сони 3000 нафар.

Маблагларнинг учдан икки қисми бюджетдан, учдан бири эса университет олимларининг илмий-ижодий кашфиётлари, технологик хизмат турларидан келади. Шунингдек, бир қанча лойиҳаларда қатнашиш ҳам илм даргоҳига катта фойда келтиради. Европа ҳамжамиятининг бир неча лойиҳаларида қатнашаётган университет ходимлари жуда катта маблағ ишлаб топиладилар.

Интернет — университетнинг юриги. Талабалар бу тармоққа улашиб, ўз ўқитувчиларидан топшириқ олишади ва бажаришади.

Университетнинг ўқитувчилар тайёрлаш факультетига давтоғлар сони йилдан-йилга ошмоқда.

Хусусан, бошлангич таълим факультетида 80 та уринга 6-7 мингга ариза тушар экан. Лекин талабаларика танловнинг узига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Бу ерда ҳам қабул эркин. 10 та университетга бир вақтда ариза берган абитуриент мактабни битиргандаги тулган бали қайси жойнинг рейтингига мос келса, уша ерга ҳужжат топширади. Лекин танлов катталиги сабабли талабалар танланганин узига хос талаблари бор. Булажак талаба педагогика, психология фанларидан синаб қурилади, яна бир синовга дуч келади. Яъни у педагогик вазиятларни тўғри таҳлил қила оладими, унинг ана шу маҳорати синаб қурилади.

Педагогика факультетида талабалар бакалавр ва магистр даражасини олганларидан сунг мутахассис дипломига эга буладилар. Уқин муддати 5 йил.

Амалиёт бутун ўқув йили давомида ўтказилади. Талабалар 1-курсдан бошлаб университетни битиргунга қадар узлуксиз амалиёт утайдилар. Улар ўқув йили давомида 40 та кредит олиб, уни бажаришади. Ҳар бир кредит 40 соат. Ўқув юкламаси бир ҳафтада 40 соатни ташкил қилади, унинг ярми маъруза, қолгани амалий ва мустақил ишлардан иборат.

Европа таълим тизимида талабаларни миллий, педагогик ва синф маданиятига ўргатиш муҳим омил саналади.

Н.СОЛИМОВА

## ТЎЛҚИНИ ЎЗГАЧА, МАВЖИ ЎЗГАЧА ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА СЦЕНАРИЙ

(11 кун. — Григорьян календарида 365 кун. Қуёш календаридан 354 кун.)

Ғолиблар тақдирланадилар.

**1 бошловчи:** Хаммагизни рақсга тақлиф этамиш (қувнок қўшиқлар остида ўқувчилар рақсга тушадилар).

**2 бошловчи:** Навбатдаги "Келажак сизнинг тасаввурингизда" деб номланган йўнмизмнинг шартини кўйидагича. Бу йилда иштирок этиш учун ҳар бир синфдан 4 нафар ўқувчини тақлиф этамиш.

**3 бошловчи:** Хар гуруҳ аъзолари ватан қозоғига келажак ҳақидаги ўз тасаввурларини акс эттирадилар, яъни 20-30 йилдан кейинги Янги йил байрами қандай кўринишда бўлиши ифодаланади.

**4 бошловчи:** Шунингдек, гуруҳ аъзолари билан бир қиши даврадагиларга Янги йил табригини ихоз қилади.

**5 бошловчи:** Демак, беллашув учун 10 дақиқа вақт ажратиладик. Ана шу вақт ичиде сиз келажак ҳақидаги тасаввурларингизни қозоғида акс эттиришингиз ҳамда байрам тилигини тайёрлашингиз керак.

**6 бошловчи:** Беллашув қатнашчилари шартларини бажарунларига қадар мусиқали таанафус эълон қиламиш.

Ғолиблар аниқланиб, совринлар топширилади.

**7 бошловчи:** Ие, уйин билан бўлиб Қорбобо ва Қорқизни унугай дембиз-ку! Дастурга қараб ажратиладик. Химма, хаммаси режа асосида кетаяпти. Демак, ишларимиз яхши. Аммо, негадир Қорбободан дарак йўқ!

Мусиқа садолари остида даврага Қорбобо, Қорқиз ва Янги йил (чиройли кийинган, қўйиланин олдиға катта рақамлар билан 2002 йил деб ёзилган жажжигина ўғил бола) кириб келади. Кеча иштирокчиларининг барчаси улар билан қўллашни қўқисларига қўйиб саломлашадилар. Ўз навбатига Қорбобо ва Қорқиз ҳам улар билан саломлашиб, кириб келаятган янги йил билан табриқлайди ва тилақлар билдиради. Ўқувчилар эса ёшига мос турли уйинларни ўтказиб, уларга совғалар улашадилар.

**8 бошловчи:** Азиз мактабдошлар, бугунги тадбиримизда фаоллик қўрсатиб, ўзининг билими ва жозибаи рақслари, байрамона либослари билан дилимизга ҳушнудлик бахш этган тенгдошларимиз орасидан энг мақтовга сазовор бўлган ўғил-қизларни танлаб оламиш ва уларга кечамизнинг махсус совғасини топширамиш. (Юқоридаги талабаларга жавоб берадиган ўғил-қизлар аниқлангандан сунг уларга махсус тайёрланган "Янги йил маликаси" ва "Янги йил шаҳзодаси" тожи кийдирилади).

Мусиқали таанафус.

**9 бошловчи:** Муҳтарам меҳмонлар, яна бир бор келгуси йилда хаммагизга сичхат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хондонларингизга қўт-барака, тўқин-соҳиллик тилаймиш.

**10 бошловчи:** 2002 йилнинг қадами қўтулғ, соадатли келсин! Кўнглингиздан кечаётган жажжик эзгу орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!

Қуй ва қўшиқлар остида кеча белгиланган вақтгача давом этади.

**Ф.ХОЛМИРЗАЕВА,**  
РТМ Маънавий-маърифий ишлар бўлими бош услубчиси

**Саъдулла ҲАКИМ**

**МАЪРИФАТ**

**«Маърифат» газетаси кунлари» муносабати билан**

Маърифат, мен сени кўрганда илк бор Гул исли сочларинг жамалак эди. Оёғинг остида поёндоз баҳор, Бошингда тиллакош — камалак эди.

Меҳрим боғландию сенга ўшанда, Кўзимдан кўтардинг ҳарир пардани. Хатто тун-кечалар мўл эди ёғду, Бирдек севар эдим барча-барчани.

Сўнг Ибн Ҳаттобдек кўрғазиб сехр, Эртақлар бағрига кетдинг етаклаб. Ботирлар изидан югурдим-елиб, Хикмат маъноларин тердим этаклаб.

Гоҳида мунажжим Улуғбек бўлиб Бошимдан ҳовучлаб сочдинг марварид. Кўнглимга аждоқлар меҳрини солиб, Тарих мактабиди этдинг парварши.

Бир замон жаҳолат — шайтони лаъин, Сенинг тимсолингга бўлди намоён. Мен қилч солганда билиб-билмайин, Нодир китоблардан сирқиради қон.

Сени дўст туганга тиладим ўлим, Сенга эргашганинг тўқдим ёшини. Мен Ўзбек Бобога кўтардим кўлим, Эгмоққа қасд қилдим мағрур бошини...

Ҳамон гоҳ панд берар гайри раҳнамо Дарсида адашиб ўқиганларим. Оёғим чалқаб тойганар ҳамон, Етмиш ёшинг — бу мен тўқиганларим.

Ўн йил бўлди сени таниганимга, Гавҳар “Авесто”га тенг асли ёшим. Асрий малҳам кўяр жону танимга, Исломо ҳидоятти, Хурлик қўешинг.

“Маърифат” муаллим кўлиди бўлса, Муаллим маърифат йўлиди мудом. Муаллим маърифат йўлиди бўлса, Маърифат муаллим элиди мудом.

... Маърифат, мен сени кўрганда илк бор Гул исли сочларинг жамалак эди. Оёғинг остида поёндоз баҳор, Бошингда тиллакош — камалак эди.

Бугун сочларингга оралабди нур, Озодлик дарсида ўзинг ягона. Хар ўзбек маърифат талабиди эрур, Бутун Ўзбекистон — маърифатхона.

Бунда асрларга тенгдир хар фурсат, Бунда ҳикматталаб хар кўнгли қоим. Улуғ Алишернинг ўрнини кўрсат, Кўрсат Манғуберди ўтирган жойин.

Улар хоки пойин кўзимга суртай, Хар сўзинг оқ сўтдек тамшаниб ича Кутлуг остонанга бош уриб ўтай Энг сўнги кўнгирик чалингнича!



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Зоир Қодиров ҳам ўз сўзида касаба уюшмалари ҳаётини ёритишда “Маърифат”нинг хизматлари беқиёс эканлигини эътироф этди. Шунингдек, у таҳририятта қимматбаҳо совға, газета ходимларидан бир гуруҳига Фахрий Ёрликлар ва мукофотларни тақдим этди.

Барча газета ва журналлар муҳаррирлари номидан сўз “Хуррият” газетаси бош муҳаррири, ОАВни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммадга берилди. У “Маърифат”да ёш, бошловчи журналистларга кенг эътибор бераётганини таъкидлаган ҳолда, газета фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини, танқидий материаллар кўп берилиши, жумладан, ўқитувчилар масаласи



**ФИКРЛАШУВЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ**



“Маърифат”нинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини қайд этди... Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Мусурмонов Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида назарда тутилган улкан вазифаларни бажаришда “Маърифат” газетаси ўрни, вилоятларда фаолият кўрсатаётган илгор ўқитувчилар тажрибасини

ёритишдаги салмоқли ҳиссаси тўғрисида гапирди. Аксарият сўзга чиққанлар газета босиб ўтган йўлга назар ташлашар экан, унинг 70 ёшида 60 йили бир томон истиқлол давридаги 10 йиллик фаолияти бир томон эканлигини, айнан мустақилликка эришганидан сўнг “Маърифат” чин маънода маърифат йўлига ўтгани, халқ зиёлилари минбари бўлишга интилаётганини эътироф этди. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани Сайди Умиров ўз сўзида, бугунги «Маърифат» газетаси таҳририяти ёшлар,

мулоҳазалар учун барча-барчага миннатдорчилик билдирди. Виложтларда бўлиб ўтган “Маърифат” газетаси кунлари” да ҳамда бугун билдирилган танқидий мулоҳазалар, тақдирлар газетанинг 2002 йилги иш режаси ва бундан кейинги фаолияти режасини тузишда, албатта, инобатта олинишини айтди. Шундан сўнг йиғилиш даври суҳбати тарзида давом этиб, даври суҳбатига “Маърифат” газетаси фахрийлари — масъул котиб ўринбосари Маҳкам Қўчқоров, катта муҳбир Дилбар Хужаева, газетанинг Қора-

**Xullas...**

**РУЛДА... ИЛОН**

Илон уйнутувчилардан ташқари, ҳамма бу суралиб юривчида кўради. Хаттоки, бир қарич узунликда болса ҳам юрагингизни кинилан чикариб юборай дейди... Америка ва Европа мамлакатларида илон кўришчи вазифини ўтай бошлаганини хали эшитмаган бўлсангиз керак. Тилла буюмлар магазини атрафига ўтири зоти йўламай қўйди. Чунки дукон эгалари илонлардан бир нечасини тутиб келиб, уша ҳудудга қўйиб юборишди. Машина уғирламоқчи бўлганлар эса хайловчи утиранин жойлаги илонни қўриб, тумтарай қочинмоқда.

**ЯХШИ КАЙФИЯТ ВОСИТАСИ**

Самолётга чиққан йўловчиларнинг кайфияти соми? Аксинча булса-чи? Бунинг осонгина йўли борлиги Ирландиядаги авиакомпаниялардан бирида синиб қуриди. Борла таниқли масҳаробоз Жон Линэен! Турган гапки, асаблари заиф кишилар кўркувга ҳам тушиши мумкин. Бу пайтда масҳаробознинг булар-булмас қилиқларию ичакузди, ярим-эрти ҳазиллари “иш” берар экан.

Компания матбуот котибининг таъкидлашига қараганда, қизиқларнинг самолётга қўйилиши йўловчилар кайфиятини кутариш билан бирга вақтнинг бир лаҳзада утиб кетишига ҳам имкон яратар экан. “Энг яхши восита” афсуски, барча йўловчиларга ҳам ёқиб тушмади. Ишбилармон жаноблардан бири авиакомпания директорига шикоят қилди. Аммо бу хилдаги арз-дод бошқа бўлмаганини ҳисобга олган авиакомпания ҳар бир рейсга масҳаробоз топшига ҳаракат қилмоқда.

**ЎРИНДИКЛАР НИМА УЧУН**

Албатта, бир пас утириб ҳордик чикариш учун, деб жаавоб берасиз бу саволат. Англиядаги истирхот болгаридан биридаги ўриндикларга розетка урнатилди. Уз шаҳсини урнатилдига эга кишилар марҳумат қилиб, “Интернет”га уланишлари мумкин. Мана, буниси ҳақиқий дам олин!

**ana shunaqa gaplar**

**S КИМ ҚАНЧА ПУЛ ОЛАДИ**  
ФИФА ЖЧ-2002нинг бюджетини эълон қилди. Унга кўра, гуруҳ баҳсларида қатнашувчи ҳар бир жамоага 1,5 млн. Швейцария франки (0,9 млн. АҚШ долларлари), 1/16 финалга чиққанлар қўшимча 1,6 млн, ним чорак финалга борганлар 1,8 млн, чорак ҳамда ярим финал қатнашчиларига эса 2 млн, финал иштирокчиларига эса 2,25 млн. франк миқдориди маблаг берилади. Жаҳон чемпиони эса 2,5 млн. швейцария франки билан тақдирланади.

**“БАВАРИЯ” БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ**  
Германия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Михаил Баллок “Бавария” жамоаси билан шартнома тузди. 25 ёшли футболчи 12,7 млн. доллар эвазига келгуси мавсумдан бошлаб 2006 йилга қадавр “Бавария” таркибиди майдонга тушади. Ҳозирга қадавр эса Михаил “Байер” клубиди ўйнаётган эди.

**ОЛИМПИАДА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ**  
8-24 февраль кунлари Солт-Лейк-Ситиди бўлиб ўтадиган қишқи олимпия ўйналганда хавфсизлигини таъминлаш учун АҚШ ҳукумати жиддий эътибор бермоқда ва бу борада 1100 хизматчи жалб этилишини маълум қилди. Биргина Федерал тергов бюроси 1000 нафар ходимини ушбу халқаро мусобақа хавфсизлигини таъминлашга ажратди.

**ЭНГ ЁШ ЧЕМПИОН ЖАРОҲАТЛАНДИ**  
“Формула-1” автопойгасининг икки карра жаҳон чемпиони, бразилиялик Амерсон Фитти Поляди велосипедда кетаётиб тасодифан бошқа бир велосипеддаги киши билан тўқнашиб кетди ва қўлидан жароҳат олди. Ҳозирда эса энг ёш чемпион Майамидаги Жексон Мемориал шифохонасида даволанмоқда.

**РОССИЯНИНГ ЭНГ ЗЎР ФУТБОЛЧИСИ**  
Москвада чоп этиладиган “Советский спорт” газетаси ўтказган сўровномага кўра Александр Мостов 2001 йилда Россиянинг энг яхши футболчиси, дея эътироф этилди. Иккинчи ўрин Марат Измайловга, учинчи ўрин эса “Спартак” жамоаси ярим ҳимоячиси Егор Титовга насиб этди.

**ma y do n ch a s i**

**QUTLOV**  
Хурматли азиз отахонимиз Анвар Ниёзов!  
Сизни таваллуд топганингизнинг 70 йиллиги билан қўтлаймиз. Сизга узок умр, эгунянгиларингиз рўбга чиқишини тилаймиз. Сизни бир умр мураббийлик ишига садқоқатли устоз сифатида шоғирдларингиз юксак қадрлайдилар.  
Фарзандларингиз ва шоғирдларингиз

Хурматли Орифжон АЮПОВ!  
Сизни таваллуд кунингиз ҳамда 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан табриқлаймиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, келгусиди педагогик фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз. Касбдошларингиз, шоғирдларингиз ва оила аъзоларингиз бахтига доимо соғ бўлинг.

Гулистон Давлат университети тарих факультети жамоаси

**Халқ таълими раҳбарлари!**

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2001 йилнинг декабрь ойиди қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мударалари — 02.01.2002 й. - 29.01.2002 й.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 02.01.2002 й. - 29.01.2002 й.
3. Мактабгача таълим муассасаси логопедлари — 07.01.2002 й. - 26.01.2002 й.

4. Мактабгача таълим муассасаси туман(шаҳар) халқ таълими бўлими назоратчи-услубчилари — 07.01.2002 й. - 19.01.2002 й.

Курс давомида тингловчилар таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашадилар ва маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Суткалик ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Ташкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.**  
**Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг “Талабалар шаҳарчаси” охириг бекати.**

Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Урта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Андижон вилояти Корасув касб-хунар лицейи директори **Турсуной ҒАНИЕВАННИНГ** бевақт вафоти муносабати билан марҳуманин оила аъзоларига таъзия изхор этади.

Олий ва урта махсус таълим вазирлиги Урта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Мусурмон Мамадалиева отаси **МАМАШУКУР ОТАННИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Давлат тест маркази таркибиди Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси жамоаси бошқарма бўлими бошлиғи Ҳ.Эшматовга акиси **Келдией ЭШМАТОВНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси Рустам Абдурахмоновга онаси **Навля БАДЫГИНАНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ва касаба уюшма кўмитаси жамоаси университет ректор ёрдамчиси И.Икромовга умр йўлошини **Понила АБДУКАРИМОВНИНГ** бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдарлик изхор этади.

**Ma'rifat**  
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ  
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жўманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қўрбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмовали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТҮЙИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҚОШИМОВ

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалда оширилиши шарт.  
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Ташкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.  
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» наприетида терилди. Pentium компьютериди Лилия БИНАШЕВА ва Малҳот ТИШОВА саҳифалади.  
Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ, Навбатчи: Ботиржон ҒОҒУРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 20 рақам билан 12 июль, 1998 йилда рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150, Ғ-3117. Тиражи 14527.  
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳақиқи 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қўроз бичини А-2.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа ақдиярлик компанияси босмохонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси 41-уй.  
Боснига топириш вақти — 20.00.  
Тоширишди — 20.00.